**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4850-сон қарори ижроси тўғрисида**

## МАЪЛУМОТ

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| **1** | **2** | Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, шу жумладан янги ўрмонзорлар барпо этиш, иш ўринларини ташкил этиш, ўрмонлардан қўшимча фойдаланишни рағбатлантириш, илмий-тадқиқот фаолиятини кучайтириш мақсадида ўрмон фонди ерлари фойдаланувчиларини қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги янги шакллари жорий этилсин:<br>2020 - 2022 йилларда ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачиларга қуйидаги шартларда ижара тўловининг “ноль” ставкасини қўллаш:<br>ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ер участкаларида янгидан барпо этилган ва ижарага берилган ёнғоқ мевали боғлар (писта, бодом, ёнғоқ) ва тез ўсувчи дарахтлар (павловния, терак) плантациялари эгаллаган майдонларга – беш йил давомида;<br>ўрмон фондининг чўл ҳудудларида жойлашган, сув билан таъминланмаган ва ўрмон билан қопланмаган ерлари ўзлаштирилиб, чўл ўсимликлари (саксовул, черкез, қандим, қорабуроқ) плантациялари барпо этилганда – ўн йил давомида;<br>ўрмон фондининг сув билан | **2020-2022 йиллар** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги<br>Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси<br>Тошкент давлат аграр университети<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси | **Бажарилмоқда**.<br>2020 – 2022 йилларда ўрмон фонди ерларини ижарага олган ижарачиларга қуйидаги шартларда:<br>1) Ўрмон фондининг ўзлаштирилмаган ер участкаларида янгидан:<br>ёнғоқ мевали боғлар (писта, бодом, ёнғоқ) барпо этиш учун 93 та ижарачиларга 2069,8 гектар – беш йил давомида;<br>тез ўсувчи дарахтлар (павловния, терак) плантациялари барпо этиш учун 13 та ижарачиларга 49 гектар ер майдонларига – беш йил давомида;<br>2) Ўрмон фондининг чўл ҳудудларида жойлашган, сув билан таъминланмаган ва ўрмон билан қопланмаган ерлари ўзлаштирилиб:<br>чўл ўсимликлари (саксовул, черкез, қандим, қорабуроқ) плантациялари барпо этиш учун 3 та ижарачиларга 350 гектар ер майдонларига – ўн йил давомида;<br>3) Ўрмон фондининг сув билан таъминланмаган ва ўрмон билан қопланмаган ерлари ўзлаштирилиб:<br>озиқ-овқат экинлари (дуккакли, мойли, бошоқли экинлар, сабзавот, полиз) учун 4 та ижарачиларга 19 гектар ер майдон – бир йил давомида;<br>доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этиш учун 4 та ижарачиларга 370 гектар ер майдон – уч йил давомида ижара тўловининг “ноль” ставкасини қўллаш орқали фойдаланишга берилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | таъминланмаган ва ўрмон билан қопланмаган ерлари ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат экинлари (дуккакли, мойли, бошоқли экинлар, сабзавот, полиз) ва доривор ўсимликлар плантациялари барпо этилганда – тегишлигича бир йил ва уч йил давомида;<br>2021 йил 1 январдан бошлаб:<br>Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан ижарачилар аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказида рўйхатдан ўтган ишсиз шахсларни ишга қабул қилган тақдирда, уларга иш ҳақи тўлаш харажатларини қоплаш учун – 6 ой давомида ўртача иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида, бироқ ҳар бир ой учун базавий ҳисоблаш миқдорининг икки баробаридан ошмаган миқдорда субсидия тўлаш;<br>қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган ерларни фойдаланишга киритишда ирригация ва мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда ҳамда янги интенсив боғ, узумзор ва иссиқхоналарда сув тежовчи суғориш технологияларини жорий этиш бўйича харажатларнинг бир қисмини қоплаб бериш тартибларини ўрмон | | | пиллачилик ва қоракўлчиликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6059-сон фармонига асосан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан 1 млн. 387 минг гектар яйлов ерлари Пиллачилик ва қоракўлчиликни ривожлантириш қўмитасига “ноль” ставкаси бўйича ижарага берилган.<br>Жумладан:<br>Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудидан 508 минг гектар;<br>Бухоро вилояти ҳудудидан 84 минг гектар;<br>Навоий вилояти ҳудудидан 708 минг гектар;<br>Самарқанд вилояти ҳудудидан 25,8 минг гектар;<br>Қашқадарё вилояти ҳудудидан 40 минг гектар;<br>Сурхондарё вилояти ҳудудидан 210,9 минг гектар ижарага берилди.<br>Шунингдек, ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини жадаллаштриш, соҳадаги илмий муаммоларни аниқлаш, улар бўйича Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий муассасалар билан ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида “Чўлланишга қарши курашишда ўрмон ва яшил қопламалар барпо этишнинг аҳамияти” мавзусида I-Халқаро илмий-амалий анжуман (онлайн шаклда) ўтказилди ва унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси институтлари ҳамда соҳадаги етакчи халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий институтларнинг профессор олимлари иштирок этишди.<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини янгилаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги маблағлари ҳисобидан институтнинг 6 та лабораторияси янги |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | хўжаликлари ва ўрмон фонди ерлари ижарачиларига тўлиқ татбиқ этиш;<br>Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси томонидан – Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг мурожаатига асосан ўрмон фондининг ижарага берилган ерларидаги ер ости сувлари конларининг шаклланиш зоналари бўйича маълумотларни ўн беш кундан ошмаган муддатда ва бепул тақдим этиш;<br>в) ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини янгилаш, ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда олимлар корпусини ёшартириш чораларини кўриш, шунингдек, соҳадаги илмий муаммоларни аниқлаш, улар бўйича Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот институтлари ва бошқа илмий муассасалар билан ҳамкорликни кучайтириш;<br>г) Тошкент давлат аграр университетининг Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультетида кадрлар тайёрлашни мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш, илғор хорижий тажрибалар асосида факультет таркибидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув режаларини таълимнинг кредит-модуль тизимига босқичма-босқич ўтказиш, | | | замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланмоқда.<br>Ўрмон хўжалиги соҳасидаги илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида 2021 ўқув йили учун Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан таянч докторантура бўлимига 5 та квота ажратилди.<br>Шунингдек, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтига ёшларни кўпроқ жалб этиш мақсадида 2021 ўқув йилида 2 та стажёр-тадқиқотчилар ўз тадқиқотларини олиб боришмоқда.<br>Тошкент давлат аграр университетининг Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайн факультетида кадрлар тайёрлашни мазмун жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб бакалавриат таълим йўналишлари бўйича Касб таълими (5410800 - ўрмончилик), Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш (ўрмон хўжалигида), Экология ва атроф-муҳит муҳофазаси (ўрмон хўжалигида) ва магистратура бўйича ўрмон ерлари кадастри, ўрмонларни ҳимоя қилиш ва овшунослик, ўрмонларни тиклаш ва кўчатчилик хўжалиги ҳамда зиравор ва хушбўй ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш технологияси мутахассисликларида кадрлар тайёрлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сон фармони, 2020 йил 6 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4850-сон қарорида белгилаб |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | соҳа ва ишлаб чиқариш талабларидан келиб чиқиб, келгусида янги таълим йўналишлари ва мутахассисликларини очиш;<br>д) ўрмон хўжалигида экотуризмни жадал ривожлантириш, жумладан:<br>Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўртасида ўрмон фонди ерларида экотуризм лойиҳаларини амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўзаро алмашиш тизимини жорий этиш;<br>ўрмон фонди ерларининг имкониятларини жойига чиққан ҳолда ўрганиш ва баҳолаш, салоҳиятли ўрмон фонди ерларини сайёҳлар ташрифи учун мослаштириш чораларини кўриш;<br>ўрмон фонди ерларида ташкил этилган туристик масканлар ҳамда хизматлар тўғрисида ахборот берувчи материалларни тайёрлаш, кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш. | | | берилган топшириқ асосида Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ўртасида ўрмон фонди ерларида экотуризм лойиҳаларини амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахслар тўғрисидаги маълумотларни ўзаро алмашиш тизими жорий этилди.<br>Ўрмон фонди ерларида ташкил этилган туристик масканлар ҳамда хизматлар тўғрисида ахборот берувчи материалларни тайёрлаш, кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, янги экологик объектлар ва маршрутларни аниқлаш мақсадида тур операторларини жалб этган ҳолда Сурхондарё, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида жами 6 та инфотур ташкил этилди.<br>Бугунги кунда республикамиздан 40 та салоҳиятли ўрмон хўжаликлари танланди. Мазкур хўжалик раҳбарлари билан бирга шаҳар ва туман хокимларини 2020 йилнинг сентябрь ойида Бурчмулла давлат ўрмон хўжалигида ташкил этилган намунавий экотуристик объектлар билан таништириш учун Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Бўстонлиқ туман хокимлиги билан ҳамкорликда Бўстонлиқ туманида таништирув инфотур ташкил этилди. Инфотур натижасида ўрмон хўжаликлари ва маҳаллий хокимликлар томонидан ўрмон хўжаликларида 2021-2023 йилларда экотуризм ва овчиликни ривожлантириш дастурлари ишлаб чиқилди. |
| **2** | **3** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда ўрмон плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун | **2020-2021 декабрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси<br>Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмон плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун карбон-кредитларини жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш ишларини биргаликда амалга ошириш бўйича Жаҳон банки билан келишувга эришилди. |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | карбон-кредитларини жалб қилиш чораларини кўрсин.<br>Амалга оширилган ишлар тўғрисида 2020 йил ва 2021 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритсин. | | Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | Шунингдек, Жаҳон банкининг ўрмончилик бўйича эксперти доктор Юрген Блазернинг карбон-кредитларини Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича хулосаси олинди. Умумий маълумотлар Вазирлар Маҳкамасига 2020 йил 27 ноябрдаги 02/13-3347-сон хат билан тақдим этилди.<br>Бугунги кунда, карбон-кредитларини жалб қилишда жаҳон тажрибасини ўрганиш ишлари давом этмоқда. |
| **3** | **4** | Қуйидагилар:<br>а) қуйидагиларни амалга оширишни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:<br>ўрмонга оид давлат сиёсатини ривожлантириш ва ўрмон тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш;<br>2030 йилга келиб ўрмон фонди ерлари майдонини 14 млн. гектарга, шундан ўрмон билан қопланган ерларни 6 млн. гектарга, уруғ тайёрлаш ҳажмини йилига 840 тоннага, асалари оилалари сонини 300 мингтага, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини йилига 32 минг тоннага, доривор ўсимликлар етиштириш ҳажмини йилига 11,6 минг тоннага етказиш;<br>ўрмон фонди ресурсларидан оқилона фойдаланиш, чўлланишга қарши курашиш ва атроф-муҳитни | | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси | **Бажарилмоқда.**<br>Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 29 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерлардан ва ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-639-сон қонуни қабул қилинди.<br>Ўрмон фонди ерлари майдонини 12 млн. гектарга, шундан ўрмон билан қопланган ерлар 3 млн. гектарга, уруғ тайёрлаш ҳажми 540 тоннага, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 28 минг тоннага, доривор ўсимликлар етиштириш ҳажми 5,9 минг тоннага етказилди.<br>БМТнинг чўлланиш ва қурғоқчиликка қарши курашиш конвенцияси секретариати ҳамда Марказий Осиё минтақавий экологик маркази ҳамкорлигида марказий Осиёда қурғоқчиликка ҳамда қум ва чанг бўронларига қарши курашиш минтақавий лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда. Қум ва чанг бўронларига қарши курашиш бўйича Миллий ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди.<br>Ўрмонлардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш мақсадида 2020 йилда 2020 гектарга иҳота дарахтзорлари ва 11 минг гектарда |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;<br>ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни самарали бошқаришни ташкил этиш, ўрмонлар экиш ва уларни қўриқлаш ишларини амалга ошириш;<br>ўрмонлардан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш, иҳотазорлар ва ўрмон плантацияларини барпо этишни жадаллаштириш;<br>ўрмон фонди ерларини ижарага бериш, улардан самарали ва оқилона фойдаланишда давлат-хусусий шерикликнинг қоидалари ва тартиб-таомилларини кенг қўллаш;<br>ўрмонларни барқарор бошқариш учун молиявий механизмларни мақбуллаштириш, ўрмон хўжаликларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;<br>соҳага маҳаллий ва халқаро молия институтлари маблағлари, шу жумладан уларнинг грантларини жалб этиш ишларини жадаллаштириш, экологик туризмни кенг кўламда ривожлантириш;<br>ўрмон фонди, унинг фауна ва флорасини ўрганиш, ҳисобини юритиш, кўпайтириш ва сақлаш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш;<br>ўрмонларни ёнғинлар, зараркунанда ва касалликлар, ноқонуний дарахт кесилишларидан ва | | | ёнғоқмевали, 1000 гектарда тез ўсувчи дарахтлар плантациялари барпо этилди.<br>2021 йилда 2,4 минг гектар майдонда иҳота дарахтзорлари барпо этилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 февралдаги “Давлат ўрмон фонди участкаларини ижарага бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 50-сон қарори қабул қилинди. Унга кўра ўрмон фонди ерларини ижарага бериш бўйича шартнома намунаси тасдиқланди.<br>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат органлари ва корхоналарини енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5052-сон қарорига асосан ўрмон хўжалиги соҳаси учун зарур бўлган ўт ўчириш машиналари ва техника, транспорт воситалари ва агрегатлар сотиб олиш 2022 йил бюджетига киритилди.<br>Шунингдек, Жаҳон банки мутахассислари билан ҳамкорликда “Ўрмон ландшафтларини қайта тиклаш” (кейинги ўринларда-лойиҳа) инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастлабки келишувга эришилди.<br>Жаҳон банкининг Европа ва Марказий Осиё минтақасида ташкилий салоҳиятни ривожлантириш бўйича Траст жамғармаси (ECAPDEV) ресурсидан 423 минг АҚШ доллари миқдоридаги грант лойиҳаси мазкур инвестицион лойиҳани ишлаб чиқиш мақсадида ажратилди.<br>Мазкур лойиҳа доирасида 30 минг гектар саноатбоп ўрмон плантациялари ҳамда 100 гектар |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | бошқа ўрмон хўжалигига оид қонун ҳужжатларининг бузилишларидан муҳофаза қилиш;<br>ўрмон хўжаликларида бир-бирига боғлиқ бўлган хўжалик фаолиятини кенгайтириш ва ривожлантириш;<br>ўрмонларда кўчат етиштириш, доривор ўсимликлар тўплаш, чорвачилик, балиқчилик ва асаларичилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда уларни қайта ишлашни ташкил этиш;<br>ўрмон хўжалиги соҳасида илмий тадқиқотларни кучайтириш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш; | | | доривор ўсимликлар плантацияси ташкил этиш, шунингдек, 30 та экотуристик комплекслар қуриш, 10 та ўрмон маҳсулотларини қайта ишлаш цехлари қуриш режалаштирилган.<br>Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун Жаҳон банки 138 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит ҳамда 12 млн. АҚШ доллари миқдорида грант маблағлари ажратишга тайёрлигини билдирди.<br>Ўрмон фондида унинг фауна ва флорасини ўрганиш, ҳисобини юритиш, кўпайтириш ва сақлаш бўйича зарур чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.<br>Умумий узунлиги 342,35 км бўлган янги ёнғинга қарши ва минераллаштирилган полосаларни жиҳозлаш бўйича ишлар олиб борилди. Умумий узунлиги 1147,3 км бўлган ёнғинга қарши ва минераллаштирилган полосалар тикланди. 108,45 км ёнғинга қарши мақсадларда йўллар қурилди. 859,35 км узунликдаги мавжуд ёнғинга қарши йўллар таъмирланди.<br>72 минг гектар майдонда ўрмон касаллик ва зараркунандаларига қарши кураш ишлари олиб борилди. Шундан, 60 минг гектарда биологик усул қўлланилди.<br>Шунингдек, 2020 йилда жами 1522 та, жумладан, 556 та ҳолат ноқонуний дарахт кесиш, 804 та ноқонуний мол боқиш, 18 та ноқонуний ов қилиш ҳамда 151 та бошқа ўрмон ҳуқуқбузарликлари аниқланди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябрдаги “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора- |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4901-сон қарори қабул қилинди.<br>Ўрмонларда етиштирилган кўчатлар сони 80 млн. донага етказилди.<br>Ўрмон фонди ерларидан самарали фойдаланишни ташкил этилиши натижасида:<br>4,3 минг гектар майдонда доривор ўсимликлар плантацияси барпо этилиб, маданий ҳолда етиштириладиган доривор ва озуқабоп ўсимликлар турлари 61 турга етказилган ҳамда 5,9 минг тонна маҳсулот тайёрланди;<br>34,7 минг гектар майдонда 28 минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилиб, ўрмон хўжаликларидаги мавжуд чорва бош сони 37 минг тага, парранда бош сони 102 минг тага, асалари оиласи сони 22,6 минг тага етказилди.<br>Ўрмон хўжалиги соҳасида илмий тадқиқотларни кучайтириш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4960-сон қарори қабул қилинди. |
| **4** | **5** | 2021 йилдан бошлаб ҳар икки йилда бир маротаба 1 декабрга қадар кейинги даврга мўлжалланган “йўл харитаси” лойиҳасининг ишлаб чиқилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини;<br>мазкур қарор ва “йўл хариталари”да белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли ижро этилишини, амалга | **2020 йил 1 декабрь**<br><br>**2021-2022 й** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси | **Бажарилди.**<br>Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ш.Ғаниев томонидан 2020 йил 19 октябрда 2020-2022 йиллар учун 03-1-2219-сон режа-жадвали тасдиқланди.<br>Мазкур қарор ва “йўл хариталари” бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида 2021 йили январь ойида 04-21-169-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилди. |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | оширилган ишлар тўғрисида ҳар йили январь ойида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилишини таъминласин. | | | |
| **5** | **6** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда 2021 йил якунига қадар ўрмон хўжаликларининг ўрмон фонди ерларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказилишини таъминласин. | **2021 йил 31 декабрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги | **Бажарилмоқда.** Қорақалпоғистон Республикаси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари худудидаги давлат ўрмон хўжаликларининг ўрмон фонди ерларидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи рўйхатдан ўтказиш ишлари олиб борилди. Қолган вилоятларда рўйхатдан ўтказиш ишлари давом эттирилмоқда. |
| **6** | **7** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Адлия вазирлиги билан бирга 2020 йил 1 декабрга қадар “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўрмончи” фахрий унвонини таъсис этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин. | 2020 йил 1 декабрь | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Адлия вазирлиги | **Бажарилди.** Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўрмончи” фахрий унвонини таъсис этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди (2020 йил 18 ноябрдаги 02/07-3198-сон хат ID-QL-900/20). |
| **7** | **8** | Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин. | | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси | **Бажарилди.** Маълумот ва ижро учун қабул қилинган. |
| **8** | **10** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда: қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин; ўзлари қабул қилган норматив- | **2020 йил 6 декабрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар | **Бажарилди.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4960-сон қарори қабул қилинди. Шунингдек, 2020 йил 14 октябрда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг 140-сон буйруғи билан |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин. | | | қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу қарорга мувофиқлаштирилди. |
| **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги“Ўзбекистон Республикасида Ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4850-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси” ижроси** | | | | | |
| **1** | | Ўрмон хўжалиги соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини такомиллаштириш | **2020-2021 й 1 март** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Т.Санаев) Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | **Бажарилди.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4960-сон қарори қабул қилинди.<br>Ушбу қарор билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. |
| **2** | **2** | Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодексини ишлаб чиқиш. | **2020-2021 й 1 декабр** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Т.Санаев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | **Бажарилди.**<br>Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодексини ишлаб чиқиш бўйича тегишли вазирлик ва идоралар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди.<br>Ишчи гуруҳининг Ўзбекистон Республикасининг Ўрмон кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурлиги тўғрисидаги якуний хулосаси қабул қилиниб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди (2021 02-04-1008-сон хат). |
| **3** | **3** | Ўрмон соҳасида уруғчиликни ривожлантириш. | **2020-2021 й 1 март** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (Ў.Давронов, Б.Хофизов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, | **Бажарилди.**<br>Ўрмон уруғчилиги соҳасида мавжуд муаммолар ечимига қаратилган амалий ва инновацион лойиҳалар ишлаб чиқилиб, Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди (2020 йил 30 октябрдаги 05/21-2496-сон хат).<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | 21 январдаги “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4960-сон қарори қабул қилиниб, қарор билан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш маркази тугатилиб, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти таркибига ўтказилди.<br>Мазкур қарорнинг 2-бандига асосан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тугатилаётган Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгилаб қўйилди.<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтига ўрмон уруғчилигини ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланди. |
| **4** | **4** | Ўсимлик ва ҳайвонот олами хилма-хиллигини сақлаш. | **2021 йил 1 март** | Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (А.Захадуллаев Ф.Фазлиев Ғ.Жураев) Кадастр агентлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси | **Бажарилди.**<br>Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида халқаро конвенциялар талабларини амалга ошириш мақсадида атроф муҳит, ҳайвонот олами ва ўсимликлар хилма-хиллигини сақлаш юзасидан ишлаб чиқилган комплекс чора-тадбирлар дастурига Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг таклиф ва эътирозлари йўқлиги Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига маълум қилинди.<br>Ўрмон хўжаликлари ҳудудида яшовчи ҳайвонот оламини сақлаш, уларга ветеринария хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш бўйича Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг таклифлари Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасига тақдим этилди (2021 йил 26 январдаги 04-20-836-сон хат). |
| **5** | **5** | Ўрмонларни тўлиқ хатловдан | **2021 йил** | Ўрмон хўжалиги | **Бажарилмоқда.** |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўтказиш ва ўрмон дарахтзорлари тўғрисидаги ягона маълумотлар базасини шакллантириш. | **1 декабрь** | давлат қўмитаси (М.Шожалилов Ў.Давронов М.Сатимбаев,) Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Кадастр агентлиги | Мазкур қарорнинг 2-иловаси билан тасдиқланган “Йўл харита”нинг 5-банди ижросини таъминлаш юзасидан “Ўрмонлойиҳа” лойиҳалаш институти томонидан ўрмон тузиш, ўрмон фонди ерларини хатловдан ўтказиш ишлари амалга оширилиб, “Ўрмон бўлимлари”, “Ўрмон кварталлари”, “Ўрмонли ерлар” ва “Ўрмонсиз ерлар” мавзули қатламлари бўйича ўрмон фонди ерларининг маълумотлар базаси шакллантирилиб, Давлат кадастри ягона тизимига тақдим этилди. Шунингдек, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги хўжаликларда ўрмон фонди ерлари 11 млн. 975 минг гектар ташкил этиб, 98 фоизи (11 776 452 гектар)нинг “ўрмонли ерлар” ва “ўрмонсиз ерлар” қатламлари бўйича электрон хариталари яратилиб, маълумотлар базасига давлат ўрмон фондининг ерининг манзили, миқдори, ер тоифаси, ўрмон ташкил этиш усули, дарахт турлари, дарахт ёши, экиш схемаси тўғрисидаги маълумотлари тўлиқ киритилган ҳамда Кадастр агентлигининг Кадастрлар палатасига “кадастрлар ягона тизими” маълумотлар базасига киритиш учун тақдим этилган. Бундан ташқари, қолган 2 фоиз ер (198 548 гектар) Орол денгизининг қуриган тубидан ўрмон фондига янги олинган майдонлар ҳисобидан бўлиб, ҳозирги кунда жойида ўрганиб чиқилмоқда. |
| **6** | **6** | Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш | **доимий** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (Ў.Давронов Р.Абдиримов) Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Иқтисодий | **Бажарилмоқда.**<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 25 ноябрдаги “Республика ҳудудларида ўрмонзорлар, шунингдек, орол денгизи ва оролбўйи ҳудудларида “яшил қопламалар” барпо этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 745-сон қарори қабул қилинди.<br>Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Бухоро, Навоий ва Хоразм |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги | вилоятлари ҳокимларининг қарорлари қабул қилиниб, йўл хариталар тасдиқланган.<br>Орол денгизининг қуриган тубида ўрмонзорлар барпо этиш мумкин бўлган ер участкаларини аниқлаб, харитаси тузилди.<br>Бугунги кунгача Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳудудларида жами 589 минг гектар, шундан, Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида 458,4 минг гектар, Хоразм вилоятида 8,5 минг гектар, Бухоро вилоятида 79 минг гектар ва Навоий вилоятида 43 минг гектар майдонда чўл ўсимликларидан “яшил қопламалар” барпо этилди. |
| **7** | **7** | Ўрмонларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш. | **2021 йил 1 апрель** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги | **Бажарилди.**<br>Вазирлар Маҳкамаси томонидан “Ўрмонларни зараркунанда ва касалликлардан самарали муҳофаза қилиш юзасидан комплекс чора-тадбирлар дастури” тасдиқланди (2021 йил 30 мартдаги 03/1-2219-сон). |
| **8** | **8** | Ўрмонларни қайта тиклаш ва ўрмонлаштириш ишларини амалга ошириш. | **Ҳар йили ноябрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (М.Шожалилов Ў.Давронов) Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, | **Бажарилмоқда.**<br>Республикадаги мавжуд ўрмонзорларни хатлов (инвентаризация)дан ўтказиш мақсадида “Ўздаверлойиҳа” лойиҳалаш институти томонидан 63 та туманда мавжуд бўлган яйловлар ва ўрмонзорларни хатлов (инвентаризация)дан ўтказилди.<br>Ўрмонларни тўлиқ хатловдан ўтказиш ва ўрмон дарахтзорлари тўғрисидаги ягона маълумотларнинг бирламчи базасини шакллантириш ишлари олиб борилмоқда.<br>Хатлов натижаси бўйича ҳар бир ўрмон хўжалиги, |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | вилоятлар ҳокимликлари | ўрмон дарахтларини қўшимча экиш, қайта тиклаш ва ўрмонлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш бўйича тадбирлар амалга оширилади.<br>ҳар бир ўрмон хўжалиги бўйича ўрмон дарахтларини қўшимча экиш, қайта тиклаш ва ўрмонлаштириш ишларини тизимли ташкил этилиб, ўрмон экиш тадбирлари амалга оширилди. Амалга оширилган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамасига ўрмон экиш юзасидан тақдим этилган ҳисоботлар бериб борилмоқда (2021 йил 25 майдаги 04-18-2190-сонли ахборот хати). |
| **9** | **9** | Кўчат ва ниҳолларга бўлган талабни қондириш чораларини кўриш. | **Ҳар йили 10 декабрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Ў.Давронов)<br>Қишлоқ хўжалиги вазирлиги,<br>Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмон хўжаликлари томонидан 2020 йилда 80 млн. дона манзарали, мевали дарахт ва буталарнинг ниҳол ва кўчатлари, шундан, 15 млн. дона тут, 1 млн. дона павловния, 12 млн. дона терак кўчатлари етиштирилди.<br>Ўрмончилик тадбирлари ва ўрмон хўжаликлари эҳтиёжлари учун ўрмон хўжаликлари ишчилари ва аҳоли томонидан 2019 йил қиш ва 2020 йил баҳор мавсумларида жами 2,8 минг тонна чўл ўсимликларининг уруғлари тайёрланди.<br>Ўрмон хўжаликлари, аҳоли хонадонлари, ташкилот ва муассасаларнинг кўчат ва ниҳолларга бўлган талабини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон қарорига асосан 2021 йилда 87,4 млн. дона ниҳол ва кўчат етиштирилди.<br>Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрдаги 477-ф-сон фармойиши қабул қилинган. Ушбу фармойиш билан талабдан келиб чиққан ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудларида экиш учун ўрмон хўжаликлари томонидан ниҳол, кўчат ва қаламчалар |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | етказиб берилди.<br>Шунингдек, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан ўрмон фонди ерларида 2021–2030 йилларда кўчат ва ниҳоллар етиштириш дислокацияси ишлаб чиқилиб, тасдиқланди. |
| **10** | **10** | Ўрмонларнинг ҳолати ва ўрмонлардан фойдаланиш бўйича аҳолининг хабардорлигини ошириш тадбирларини ўтказиш | **Ҳар йил баҳор ва куз** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (О.Ашуров А.Захадуллаев) Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси | **Бажарилмоқда.**<br>Аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида “Дунё бўйлаб” телеканалида ўрмон фонди ерларида экотуризмни ривожлантириш борасида тўғридан-тўғри эфир ташкил этилди.<br>Шунингдек, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари ҳамда Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги билан биргаликда 2020 йил 10 октябрь куни Республика туманлар ҳокимлари, Транспорт вазирлиги, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси мутахассислари ва оммавий ахборот воситалари (ОАВ) вакиллари учун инфотур ташкил этилди.<br>Инфотурда Бурчмулла давлат ўрмон хўжалиги ҳудудида ташкил этилган “Amirsoy”, “Tibet”, “Heaven’s Garden”, “Chimgan” меҳмонхонаси ҳамда “Сижжак” бўлимида амалга оширилаётган туризм ва ўрмон хўжалиги соҳаларидаги ишлар билан таништирилди.<br>Бундан ташқари, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан ҳамкорликда медиа-режа ишлаб чиқилиб, у асосида Республика оммавий-ахборот воситаларида ўрмон хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ишлар ёритиб борилмоқда. Жумладан, кўрсатувлар “Ўзбекистон 24”, “Дунё бўйлаб”, “Севимли”, |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | “Миллий” ва “MY5” телеканалларида эфирга узатилди.<br>Мамлакатимиз ўрмон хўжалигидаги ишлар ҳолати ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини яратиш мақсадида stat-urmon.uz электрон платформаси синов тариқасида ишга туширилди.<br>Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА билан ҳамкорликда медиа-режа асосида материаллар тайёрланиб масъул журналистлар билан амалий ишлар йўлга қўйилди.<br>Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва унинг тизимидаги ташкилотлар расмий веб-сайтларидаги маълумотларни доимий янгилаш ва такомиллаштириш мақсадида urmon.uz веб-сайти янгиланган форматда ишга туширилди.<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган янги инновацион ишланмалар ва технологиялар бўйича жами 15 та илмий мақолалар тайёрланиб, Scopus маълумотлар базасига киритилган журналларда чоп этилди ҳамда институт олимлари 14-16 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Internotional Conference on Energetics, Civil and Agricultural Engineering (ICECAE 2020) биринчи халқаро анжуманида иштирок этишди. |
| **11** | **11** | Ўрмон хўжалиги соҳасини ёш ва замонавий фикрлайдиган малакали мутахассислар билан таъминлаш. | | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (К.Холматов) Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати ходимлари ҳамда ўрмон бошқармалари ва тизим ташкилотлари раҳбарларининг ҳуқуқий, иқтисодий ва касбий билимларини баҳолаш бўйича аттестация ўтказиш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 15 январдаги 4-сон буйруғи қабул қилиниб, режа-график тасдиқланди.<br>Жорий йилнинг ўтган даврида қўмита тизимида |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги | фаолият юритаётган 558 нафар мутахассислар малака ошириш ўқув-семинарида иштирок этди.<br>Ўрмон хўжаликларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг 100 нафари квота асосида, 80 нафари сиртқи ва 50 нафари махсус сиртқи йўналиш асосида олий таълим муассасаларида ўқитилмоқда. |
| **12** | **12** | Ўрмон хўжалиги ходимларининг меҳнат ҳуқуқлари ва иш шароитларини яхшилаш. | | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ва Молия вазирлиги | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмон хўжаликларига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан автотранспорт воситалари, техникалар, замонавий иш жиҳозлари ва материаллари билан тўлиқ таъминланди.<br>Ўрмон хўжалиги ходимлари янада самарали ишлаши учун уларнинг иш шароитларини яхшилаш юзасидан зарур оргтехника воситалари ва жиҳозлар билан таъминлаш масаласи ҳар йили ишлаб чиқиладиган ҳаражатлар сметасида кўзда тутилади. |
| **13** | **13** | Ўрмончилик соҳаси ривожига ўз ҳиссасини қўшган шахсларни рағбатлантириш мақсадида “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўрмончи” фахрий унвонини таъсис этиш бўйича таклиф тайёрлаш. | **2020 йил 1 декабрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Т.Санаев) ва Адлия вазирлиги | **Бажарилди.**<br>Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўрмончи” фахрий унвонини таъсис этиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилиб, белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритилди (2020 йил 18 ноябрдаги 02/07-3198-сон хат ID-QL-900/20). |
| **14** | **14** | Ўрмон хўжалиги соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш. | | Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Тошкент давлат | **Бажарилди.**<br>Ўрмон хўжалиги соҳаси учун олий маълумотли кадрлар тайёрлашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | аграр университети Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Б.Хофизов) | “Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида ўрмон хўжалиги техникуми фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 701-сон қарори қабул қилинди.<br>Шунингдек, бугунги кунда тизимдаги ўрмон хўжаликларида ўрмон кадастри, ўрмонларни ҳимоя қилиш ва овшунослик касблари бўйича мутахассисларга эҳтиёж мавжудлигини инобатга олиб, 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат аграр университетида “Ўрмон ерлари кадастри” ва “Ўрмонларни ҳимоя қилиш ва овшунослик” йўналишлари бакалаврлар тайёрлаш таклифи юзасидан 2021 йил 25 мартда Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 05/21-1393-сон хат, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 05/21-1391-сон хат, Тошкент давлат аграр университетига 05/21-1392-сон хат билан таклифлар киритилди.<br>Тошкент Аграр университети томонидан университетнинг 2021/2022 ўқув йил қабул қвотасига “Ўрмон ерлари кадастри” ва “Ўрмонларни ҳимоя қилиш ва овшунослик” йўналишлари бакалаврлар тайёрлаш бўйича қвота ажратилиши тўғрисида таклиф киритилди. |
| **15** | **15** | Ўрмон хўжалиги соҳаси ва иқтисодиёт тармоқларининг кадрларга бўлган эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда тегишли таълим йўналишлари ҳамда мутахассисликлари бўйича салоҳиятли кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш. | **Доимий** | Қишлоқ хўжалик вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (К.Холматов) Тошкент давлат аграр университети | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмон хўжалиги соҳаси ва иқтисодиёт тармоқларининг ўрмончилик йўналишидаги кадрларга бўлган эҳтиёжлари доимий ўрганиб борилмоқда.<br>Тайёрланадиган кадрларни иш билан бандлигини таъминлашда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга йўналтирилган меъёрий ҳужжатларни ўрганиб бориш ва шу асосда битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича буюртмалар портфели шакллантирилиб, Ўрмончилик, |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Манзарали боғдорчилик ва кўкаламзорлаштириш, Доривор ўсимликлар етиштириш технологияси бакалавриат таълим йўналишлари бўйича 2024-2028 йилларда кадрларга бўлган эхтиёжлар тўғрисидаги маълумот Тошкент давлат аграр университетига тақдим этилди. |
| **16** | **16** | Ҳудуднинг ўрмончилик соҳасидаги кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, алоҳида квоталарни шакллантириш. | | Олий таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (К.Холматов) Тошкент давлат аграр университети | **Бажарилди.** Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳудудлардаги ўрмон хўжаликларини юқори малакали кадрлар билан таъминлаш мақсадида 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг тавсияномасига асосан ўрмончилар ва уларнинг фарзандлари учун олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишларига давлат гранти асосида белгиланган қабул квотасига қўшимча 20 фоиз қўшимча ажратиш бўйича Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2020 йил 30 декабрь 01/21-3771-сон, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2020 йил 30 декабрь 01/21-3770-сон хат ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига 2020 йил 30 декабрь 01/21-3776 хат билан мурожаат қилинди. Шунингдек, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 6 январдаги 05/032-20-сон хатига асосан, давлат гранти қабул квоталар бўйича таклифлар қабул параметрларига киритилди. Ҳудуднинг ўрмончилик соҳасидаги кадрларга бўлган эҳтиёжидан келиб чиқиб, 2021/2022 ўқув йили учун Тошкент давлат Аграр университетига 6 та, Термиз филиалига 2 та., Андижон қишлоқ хўжалик агротехнологиялар институтига 4 та., Қорақолпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтига 2 та жами 14 та давлат грантига 20 фоиз қўшимча қабул квотаси |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ажратилди. |
| **17** | **17** | Ўрмончилик соҳасида тайёрланадиган кадрлар учун муносиб таълим олиш шароитларини яратиш | **2021 йил 1 август** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (А.Исламов Н.Хушназаров) Молия вазирлиги | **Бажарилмоқда.** Тошкент давлат аграр университетнинг Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайни факультети жойлаштириладиган ўқув биносини Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. |
| **18** | **18** | Ўрмон хўжалиги соҳаси ва иқтисодиёт тармоқлари учун ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш. | **2020-2021 й 1 апрель** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (Б.Хофизов) Олий таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги | **Бажарилди.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 9 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида Ўрмон хўжалиги техникуми фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 701-сон қарори қабул қилинди.<br>Ўрмон хўжалиги соҳаси ва иқтисодиёт тармоқлари учун ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан Ўрта махсус профессионал таълим мутахассисликлари ва касблари бўйича халқаро таснифлагичнинг 5-даражаси билан уйғунлашган “Доривор ўсимликларни етиштириш агрономи” йўналишини очиш бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига 2021 йил 25 мартдаги 05-21-1390-сон хат билан таклиф киритилган.<br>Ўрмон хўжалиги техникумига 2021/2022 ўқув йили учун **5.61.04.02** - ўрмончилик агрономи 60 та, **5.61.09.01** - доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш 30 та, **5.61.09.02** - доривор ўсимликларни етиштириш агрономи 30 та, **5.61.03.01** - ўсимликларни ҳимояси ва карантин агрономи 30 та, **5.32.06.01** - бухгалтерия ҳисоби ва аудит 30 та, жами 170 та қабул квотаси ажратилди. |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| **19** | **19** | Педагог кадрларнинг салоҳиятини ошириб бориш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш. | **2021 йилдан** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Олий таълим вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети | **Бажарилди.** Тошкент давлат аграр университети томонидан 2021 йилда Ўрмон хўжалиги ва ланшафт дизайн факультети ҳамда ўрмон хўжалиги йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаб келаётган профессионал таълим муассасаларининг педагог кадрлари салоҳиятини ўрганиб бориш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйиш реестри тасдиқланган ва Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тақдим этилган (2021 йил 12 январдаги 1/2-1-121-сон хат). |
| **20** | **20** | Ўрмон хўжалиги техникумининг ўқув ва маъмурий биноларини капитал таъмирлаш | **2020 йил 31 декабрь** | Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги | **Бажарилди.** Ўрмон хўжалиги техникумининг ўқув ва маъмурий биноларини капитал таъмирлаш ҳамда 2007 йилда қурилган 2-биносини жорий таъмирлаш, ошхона ва ётоқхона қурилиши учун лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш бўйича инвестиция дастурига киритиш бўйича Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигига 2020 йил 23 октябрдаги 02/32-2862-сон хат, Молия вазирлигига 2020 йил 12 октябрдаги 02/21-2691-сон хат билан таклиф киритилди. |
| **21** | **21** | Ўрмончилик соҳаси бўйича олий ва ўрта маълумотли кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш мақсадида ўқув-моддий техника базасини мустаҳкамлаш. | **2020-2021й** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Тошкент давлат аграр университети | **Бажарилди.** Ўрмончилик соҳаси бўйича олий ва ўрта маълумотли кадрларни тайёрлаш учун дарсликлар ҳамда ўқув-услубий қўлланмаларни, кўргазмали қуроллар билан таъминлаш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 38 млн. сўм жами 11 турдаги дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этилди, 5 турдаги 520 дона дарслик ва ўқув қўлланмалар чоп этиш ишлари олиб |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | борилмоқда. |
| 22 | 22 | Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси таркибидаги “Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилиги таҳлил маркази”ни тугатиб, марказни Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти таркибий тузилмасига бўлим сифатида бириктириш. | **2020-2021й** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти | **Бажарилди.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4960-сон қарори қабул қилиниб, қарор билан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш маркази тугатилиб, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти таркибига ўтказилди.<br>Мазкур қарорнинг 2-бандига асосан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тугатилаётган Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланиши белгилаб қўйилди.<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтига ўрмон уруғчилигини ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланди. |
| 23 | 23 | Пистачиликни ривожлантириш, янги ва серҳосил нав ҳамда шаклларини танлаш, районлаштириш, пистачилик бўйича ўрмончилар, фермер ва деҳқонлар учун семинарлар ташкил этиш мақсадида Жиззах вилояти давлат ўрмон хўжалиги Ғаллаорол бўлими “Оқтош” участкасида Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг “Пистачилик тажриба хўжалиги”ни ташкил этиш. | **2020 йил 30 ноябрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Жиззах вилоят ҳокимлиги | **Бажарилди.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4960-сон қарори қабул қилиниб, қарор билан Жиззах давлат ўрмон хўжалиги Ғаллаорол бўлимининг “Оқтош” участкасидаги оналик писта плантациялари негизида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Пистачилик илмий-тажриба станцияси ташкил этилди ва Жиззах вилояти Ғаллаорол тумани ҳокимининг 2021 йил 18 феврал №236-сон қарори билан 266,5 гектар ер майдони ажратиб берилди. |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| **24** | **24** | Тоғли ҳудудларда кучли сел оқимларининг олдини олиш, ўрмон мелиорацияси соҳасида илмий тадқиқотларни кучайтириш. | **2020-2025 йиллар** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси | **Бажарилмоқда.** Саксонота давлат ўрмон хўжалигининг Сўқоқ ўрмон бўлимида ўрмон хўжалиги соҳасида тадқиқотлар олиб борувчи илмий ходимлар учун барча шароитлар мавжуд бўлиб, 2018-2020 йилларда мўлжалланган тадқиқот лойиҳаси якунланди ва амалиётга жорий этиш учун тайёрланмоқда. Тоғли ҳудудларда кучли сел оқимиларининг олдини олиш мақсадида илдиз тизими ёпиқ контейнерларда ўрмон кўчатларини етиштириш агротехнологияларини амалиётга жорий этиш бўйича инновация лойиҳаси тайёрланиб, Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий-техник лойиҳалар танловига тақдим этилди (2020 йил 22 октябрдаги 05/21-2839-сон хат). |
| **25** | **25** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги илмий муассасалар фаолиятини мувофиқлаштириш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини йўлга қўйиш, инновацияларни амалиётга жорий этиш. | **2020 йил 30 ноябрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инновацион ривожланиш вазирлиги | **Бажарилди.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги "Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4960-сон қарори қабул қилиниб, қарор билан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасида 4 та штат бирлигидан иборат Илмий ташкилотлар фаолияти ва инновацияларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармаси ташкил этилиб, бошқарма илмий даражага эга бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирилди. |
| **26** | **26** | Ўрмон тадбирларининг норматив ҳамда ишчи ҳисоб технологик хариталарини ишлаб чиқиш ва ўрмон амалиётига жорий этишни ташкиллаштириш мақсадида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти таркибий тузилмасида "Ўрмон | **2021 йилдан** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни | **Бажарилди.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги "Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПҚ-4960-сон қарори қабул қилиниб, қарор билан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тузилмасида |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | иқтисодиёти” бўлимини ташкил этиш. | | қисқартириш вазирлиги | Ўрмон иқтисодиёти бўлими ташкил этилди. |
| **27** | **27** | Ўрмончилик соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун давлат ўрмон хўжаликларидан ер майдонлари ажратиш механизмини йўлга қўйиш. | **2021 йилдан** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси | **Бажрилмокда.**<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тизимидаги Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириш марказига Навоий вилояти Кармана тумани ҳокимининг 2020 йил 2 октябрдаги 551-сон қарори билан 23,5 гектар ва Нурота туман ҳокимининг 2021 йил 1 апрелдаги Қ-285-сон қарори билан 15 гектар, жами 38,5 ер майдони ажратилди. |
| **28** | **28** | Институт ва унинг таркибидаги илмий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси маблағларини жалб қилиш. | **2020 йил 30 ноябрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги | **Бажрилди.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4960-сон қарори қабул қилиниб, қарор билан 2021 йил 1 январдан бошлаб, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси умумий тушумларининг 5 фоизи Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва унинг тизимидаги илмий ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилиши белгиланди. Жорий йил январь-июнь ойлари бўйича Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармасига келиб тушган маблағлардан 5 фоизи 987,4 млн.сўм ажратилди. Шунингдек, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2021 йил 30 апрелдаги 04/21-1890 сон хати билан Инситутни замонавий илмий лаборатория асбоб-ускуналар билан жихозлаш мақсадида нархлар ечимини ва техник топшириқларни комплекс экспертизадан ўтказиш ҳамда белгиланган тартибда харидларни ташкил этиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди. Қўмитанинг |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | “Ўрмон ерлари кадастри” ва “Ўрмонларни ҳимоя қилиш ва овшунослик” йўналишлари бакалаврлар тайёрлаш таклифи киритилди. |
| **29** | **29** | Ўрмон хўжалиги соҳасига ёш ва иқтидорли кадрларни жалб қилиш, фаолият юритаётган олимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, кадрлар қўнимсизлигининг олдини олиш чораларини кўриш. | **2020 йил 30 ноябрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги | **Бажарилди.** Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти илмий ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштиришни Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш шартларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги институтларнинг бошқарув ва бошқа ходимларининг базавий лавозим маошларига тенглаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотларда ишловчи ишчи-техник ҳодимларнинг ишлаб чиқариш меъёрларини такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси белгиланган тартибда Вазирлик ва идоралар билан келишилиб Вазирлар Маҳкамасига киритилди. ( ID-46065) .. |
| **30** | **30** | Ўрмон хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган малакали, ёш илмий ва илмий-педагогик кадрларни салоҳиятини кўтариш ва малакасини оширишни ташкил этиш. | **2021 йилдан бошлаб, ҳар йили** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, “Эл-юрт умиди” жамғармаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси | **Бажарилмокда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ўрмон хўжалиги ривожланган хорижий давлатларнинг илмий-тадқиқот муассасалари ва ўрмон хўжаликларида давлат грантлари асосида ҳар йили ўрмон хўжалиги соҳасидаги ходим ва мутахассислар малака оширишга юборилишини, шу билан бирга жамғарма ҳисобидан алоҳида квота ажратилишини таъминлаш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармасига таклиф киритилди (2021 йил 26 февралдаги 02-07-83-сон хат). |
| **31** | **31** | Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг эски лаборатория | **2020 йил 30 ноябрь** | Иқтисодий тараққиёт ва | **Бажарилди.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | биносини қайта қуриш. | | камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси | йил 28 декабрдаги “2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сон қарорига асосан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг лаборатория биносини янгидан қуриш 2021 йилда шакллантирилган инвестиция дастурига 5 млрд. сўм киритилди ҳамда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти биноси капитал таъмирланди. |
| 32 | 32 | Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг лаборатория моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. | **2020 йил декабрь** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси **(**Б.Хофизов) | **Бажарилди.**<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг лаборатория моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида сотиб олиниши режалаштирилган илмий ва лаборатория ускуналари рўйхати Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди (2020 йил 13 октябрдаги 05/21-2702-сон хат).<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг моддий-техника базасини янгилаш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги маблағлари ҳисобидан институтнинг 6 та лабораторияси янги замонавий асбоб ускуналар билан жиҳозланмоқда. |
| 33 | 33 | Институт олимлари томонидан ишлаб чиқилган янги ишланмаларни хорижий давлатларнинг нуфузли илмий нашрларида мунтазам чоп эттиришни йўлга қўйиш | **Ҳар йили** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (Б.Хофизов) | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан ишлаб чиқилган янги инновацион ишланмалар ва технологиялар бўйича жами 15 та илмий мақолалар тайёрланиб, Scopus маълумотлар базасига киритилган журналларда чоп этилди ҳамда Институт олимлари 14-16 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Internotional Conference on Energetics, Civil and Agricultural Engineering (ICECAE 2020) биринчи халқаро анжуманида иштирок этишди. |
| 34 | 34 | Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институти олимлари томонидан | **2020 йил декабрь** | Адлия вазирлиги ҳузуридаги | **Бажарилди.**<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | яратилган хандон пистанинг янги навларини 2020 йил якунига қадар давлат рўйхатидан ўтказиш. | | Интеллектуал мулк агентлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Ўрмон хўжалиги Илмий-тадқиқот институти), Қишлоқ хўжалик вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази | олимлари томонидан яратилган пистанинг 13 та нави Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги қишлоқ хўжалиги экинлари нав синаш комиссияси томонидан давлат рўйхатидан ўтказилди. |
| **35** | **35** | Ўрмон соҳасида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашни тизимли йўлга қўйиш. | **2020-2025 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси **(**Б.Хофизов) | **Бажарилди.**<br>Ўрмон соҳасидаги илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш мақсадида 2021 ўкув йилида доктарантурага 4 та, стажёр тақдиқотчи 2 та ўқишга қабул қилинди. 2022 ўқув йили учун таянч докторантура бўлимига 7 та, докторантурага 1 та ва стажёр тақиқотчи 2 та квота олиш учун Инновацион ривожланиш вазирлигининг платформа орқали буюртма берилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси таркибидаги институтлар ва соҳага таааллуқли илмий муассасалар билан ҳамкорликда илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйиш мақсадида Тошкент давлат аграр университети ва унинг Нукус филиали ҳамда Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида ўрмон хўжалиги йўналишида 33 нафар магистрлар ва 8 нафар таянч докторантлар таҳсил олмоқда. |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Шунингдек, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтида 15 нафар таянч докторантлар ва 2 нафар стажёр тадқиқотчилар тайёрланмоқда. |
| **36** | **36** | Соҳага оид хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларни ўрганиш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш | **2020 йил декабрдан** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (Б.Хофизов) Инновацион ривожланиш вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмон хўжалиги соҳасида ҳамкорликни кучайтириш, хорижий давлатларнинг нуфузли ташкилотлари билан ўзаро тажрибалар алмашиш мақсадида 2021 йилнинг 1-2 декабрь кунлари Корея Республикасининг ўрмон хўжалиги миллий институти (Nifos) ҳамда Осиё, Тинч океани ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтлари ассоциацияси (APAFRI) билан биргаликда “Чўлланишга қарши курашишда ўрмон ва яшил қопламалар барпо этишнинг аҳамияти” мавзусида халқаро анжуман ташкил этилди. Корея Республикасининг ўрмон хўжалиги миллий институти (Nifos) билан ҳамкорлик меморандуми тузилди. |
| **37** | **37** | Давлат буюртмалари ва хўжалик шартномалари асосида олиб бориладиган, ўрмон хўжалиги соҳасидаги долзарб муаммолар ечимига қаратилган тадқиқотларни кенгайтириш. | **мунтазам** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (Б.Хофизов) Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги | **Бажарилди.**<br>Ўрмон хўжалиги соҳасидаги муаммолар ечимига қаратилган 107 турдаги лойиҳалар рўйхати шакллантирилиб, Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди (2020 йил 16 ноябрдаги 02/21-3161-сон хат).<br>Фанлар академияси таркибидаги Ботаника, Зоология институтлари ҳамда Тупроқшунослик ва Агрокимё илмий-тадқиқот институти, М.Мирзаев номидаги мевачилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти, Тошкент давлат аграр университети, Тошкент давлат иқтисодиёт унивеситети, Тошкент ахборот технологиялар университети, М.Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети, Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | илмий-тадқиқот институти, Ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий-тадқиқот институти, Шафран илмий-ишлаб чиқариш марказлари билан ҳамкорликда 21 та амалий ва инновацион лойиҳалар мавзулари шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди. |
| **38** | **38** | Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси таркибидаги институтлар ва соҳага тааллуқли илмий муассасалар билан ҳамкорликда ўрмон хўжалиги соҳасининг устувор йўналишлари бўйича илмий тадқиқот ишларини кучайтириш. | **доимий** | Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Б.Хофизов) | **Бажарилди.**<br>Ҳудудий ўрмон хўжаликларидаги долзарб муаммолар бўйича Фанлар академиясининг институтлари билан хўжалик шартномалари асосида тадқиқотлар олиб боришни йўлга қўйиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси таркибидаги Ботаника институти билан Мўйноқ давлат ўрмон хўжалиги ўртасида “Ўрмон фонди ерларида табиий яйловлар ресурсларининг электрон-рақамли ва геоахборот тизимларига асосланган маълумотлар базасини яратиш” мавзусида ҳамда Боботоғ, Бойсун ва Деҳқонобод давлат ўрмон хўжаликлари ерларида “Тожик ковраги (“Ferulf Tadshicorum Pimenov”) табиий захираларининг мониторинги ва оқилона фойдаланиш учун хизмат қиладиган рақамли хариталарини яратиш” мавзусида жами 562 млн. сўм миқдордаги тузилган шартнома асосида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан олиб борилаётган лойиҳалар дастурига мувофиқ, амалга ошириладиган лаборатория ишлари Фанлар академияси тизимидаги Биоорганик кимё институтининг “Фармокология ва фармококинезия” лабораториясида ўрганилиб хулосалар олинди. |
| **39** | **39** | Турдош соҳалар олимлари билан ҳамкорликда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш | **2020 йил октябрь** | Ўзбекистон Республикаси Фанлар | **Бажарилди.**<br>Турдош соҳалар олимлари билан ҳамкорликда фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳамда босқичма-босқич амалга ошириш | | Академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (Б.Хофизов) | ишлаб чиқиш ҳамда босқичма-босқич амалга ошириш лойиҳалар базаси ишлаб чиқилиб Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди (2020 йил 30 октябрдаги 05/21-2946-сон хат).<br>Тошкент давлат аграр университети “Ўрмон хўжалиги ва ландшафт дизайни” факультети олимлари билан ҳамкорликда “Эрон хандон писта навларининг Ўзбекистон шароитидаги биоэкологик хусусиятлари ва нав белгиларига таъсир этувчи омиллар” мавзусидаги фундаментал лойиҳа шакллантирилиб, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди (2020 йил 29 октябрдаги 05/21-2549-сон хат).<br>Шунингдек, 2020 йил 7 декабрда Инновацион ривожланиш вазирлигида ташкил этилган ишлаб чиқаришга ва тижоратлаштиришга тайёр лойиҳаларни танлаш кўргазмасида республиканинг турдош илмий муассасаларидан таклиф этилган 20 дан ортиқ тижоратлаштиришга тайёр илмий лойиҳалар ўрганилиб, истиқболли бўлган 10 турдаги лойиҳалар Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси томонидан Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди (2020 йил 10 декабрдаги 02/21-3460-сон хат). |
| **40** | **40** | Соҳада инновацион фаолиятни ривожлантириш ва юқори технологик ишланмалардан фойдаланган ҳолда жаҳон стандартлари даражасида илмий маҳсулотлар (турли препаратлар, полимер маҳсулотлар ва бошқалар) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш. | **2020-2025 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси институтлари, Ўрмон хўжалиги | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти томонидан Фанлар академиясининг Ботаника, Зоология ҳамда Биоорганик кимё институтлари ҳамда Инновацион ривожланиш вазирлиги ва унинг ҳузуридаги инновация марказлари билан соҳада инновацион фаолиятни ривожлантириш ва юқори технологик ишланмалардан фойдаланган ҳолда жаҳон стандартлари даражасида илмий маҳсулотлар (турли |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | давлат қўмитаси (Б.Хофизов) | препаратлар, полимер маҳсулотлар ва бошқалар) ишлаб чиқишни йўлга қўйиш мақсадида 2021 йил 24 январда англашув меморандумлари қабул қилинди. |
| **41** | **41** | Оролбўйи ҳудудида экологик мувозанатни тиклаш, яхшилаш, яшил қопламалар барпо этиш бўйича ҳамкорликни кенгайтириш. | **2020-2025 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси институтлари, Оролбўйи халқаро инновацион маркази, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Б.Хофизов) | **Бажарилмоқда.**<br>Орол денгизи тубида ҳимоя ўрмонларини барпо этиш сифатли чўл ўсимликлари ниҳол ва кўчатларини етказиб беришни таъминлаш мақсадида И-БВ-ҚХ-2019-4-сон инновация лойиҳаси доирасида Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир ўрмон хўжалигининг 2,0 га кўчатхонасида чўл ўсимликлари, хусусан саксовул, терескен, қандим ва боялиш ўсимликларини етиштириш технологиялари жорий этилмоқда.<br>Шунингдек, ҚХ-А-ҚХ-2018-110-сон амалий лойиҳа доирасида Орол денгизининг дефляцияга учраган ҳар хил тупроқ шароитларида 5 дан ортиқ чўл ўсимлик турлари, хусусан, саксовул, қандим, боялиш, кейреуик, чоғон ўсимликларидан яйловлар барпо этиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди ва 6,0 га майдонида чўл яйловларини барпо этиш технологияси жорий этилди.<br>Қолаверса, жорий йилда қиймати 1 млд. 400 млн. сўмга тенг қуйидаги:<br>“Қуриган Орол денгизининг экстремал иқлим-тупроқ шароитларига бардошли бўлган истиқболли чўл дарахт-бута ва фитомелиоратив ўсимлик турларини танлаш ва уларнинг генофондларини яратиш”;<br>“Янгидан барпо этилган чўл ўсимликларини турли касаллик ҳамда зараркунандалардан ҳимоялашнинг агротехнологияларини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳа мавзулари Инновацион ривожланиш вазирлигининг илмий-техник лойиҳалари танловидан муваффақиятли ўтди. |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Оролбўйининг турли тупроқ-иқлим шароитларида яшил қопламалар барпо этиш, қум-туз бўронларига қарши инновацион технологияларни ишлаб чиқиш, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ва унинг ҳузуридаги инновация марказлари билан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ўртасида 2021 йил 24 январ санасида англашув меморандуми тузилди. |
| **42** | **42** | Ноёб турдаги ўрмон ва доривор ўсимликларнинг ҳолатини ўрганиш, маданийлаштириш, уруғлик ҳамда генетик банкларини яратиш ва хариталаш йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш. | **2020-2023 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (Б.Хофизов) | **Бажарилмоқда.**<br>Ноёб турдаги ўрмон ва доривор ўсимликларнинг ҳолатини ўрганиш, маданийлаштириш, уруғлик ҳамда генетик банкларини яратиш ва хариталаш йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш ҳамда Истиқболли доривор ўсимликларни “in-vitro” усулида кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳамда Ботаника институти ўртасида 2021 йил 25 январда англашув меморандуми тузилди. |
| **43** | **43** | Истиқболли доривор ўсимликларни “in-vitro” усулида кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш. | **2021-2023 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (Б.Хофизов Ўрмон хўжалиги | **Бажарилмоқда.**<br>Ноёб турдаги ўрмон ва доривор ўсимликларнинг ҳолатини ўрганиш, маданийлаштириш, уруғлик ҳамда генетик банкларини яратиш ва хариталаш йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш ҳамда Истиқболли доривор ўсимликларни “in-vitro” усулида кўпайтириш технологиясини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳамда Ботаника институти ўртасида 2021 йил 25 январда англашув меморандуми тузилди. |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | илмий-тадқиқот институти) | |
| **44** | **44** | Тошкент Ботаника боғига интродукция қилинган ноёб турдаги дарахт ва бута ассортиментларининг уруғчилик генофондини яратиш. | **2020-2025 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти, Ботаника боғи, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Ўрмон хўжаликлари (Б.Хофизов Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти) | **Бажарилмоқда.**<br>Фанлар академияси Ботаника институти олимлари томонидан “Тошкент Ботаника боғига интродукция қилинган ноёб турдаги дарахт ва бута ассортиментларининг уруғчилик генофондини яратиш” мавзусида инновацион лойиҳа тайёрланиб, Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 1 декабрдаги 05/18-3366-сон хат). |
| **45** | **45** | Ўрмонзорларда биохилма-хилликни тиклашнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш, ёввойи ҳайвон ва қушларни турли вирусли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш. | **2021-2023 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институти, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Б.Хофизов Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти) | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмонзорларда ёввойи ҳайвонлар ва қушларда учрайдиган, тарқалиш хавфи бўлган вирусли ҳамда бошқа патоген касалликларни аниқлаш ва олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш чоралари бўйича тадқиқотлар олиб бориш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлигига лойиҳалар тақдим этилди. (Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 1 декабрдаги 05/18-3366-сон хати).<br>Ўрмонзорларда биохилма-хилликни тиклашнинг илғор усулларини ишлаб чиқиш, ёввойи ҳайвон ва қушларни турли вирусли касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш мақсадида Зоология институти билан Ўрмон хўжалиги илмий- |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | тадқиқот институти ўртасида 2021 йил 25 январь санасида ҳамкорлик меморандуми тузилди. |
| **46** | **46** | Ўрмон ов хўжаликларида ов ҳайвон ва қушларини жадал кўпайтириш, парваришлаш, янги турларини интродукция қилиш бўйича ҳамкорликда амалий лойиҳаларни бажариш. | **2021-2023 йиллар** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (Б.Хофизов Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти) Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Зоология институти | **Бажарилмоқда.**<br>Ов ҳайвон ва қушларини жадал кўпайтириш, парваришлаш, янги турларни интродукция қилиш бўйича амалий лойиҳалар умумлаштирилиб Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди (2020 йил 30 октябрдаги 05-21-2946-сон хат).<br>Шунингдек, Ўрмон ов хўжаликларида ов ҳайвон ва қушларини жадал кўпайтириш, парваришлаш, янги турларини интродукция қилиш бўйича ҳамкорликда амалий лойиҳаларни бажариш мақсадида Зоология институти билан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ўртасида 2021 йил 25 январь санасида ҳамкорлик меморандуми тузилди. |
| **47** | **47** | Ўрмонзорларда зараркунандалар ва касалликларга қарши биологик штаммлар яратиш ва фойдали энтомофаг турларини кўпайтириш | **2021-2023 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Микробиология институти, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (Б.Хофизов Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти) | **Бажарилмоқда.**<br>Табиий ва маданий ҳолдаги ўрмонзорлар ҳамда плантацияларда тарқалган турли касаллик ва зараркунандаларга қарши атроф муҳитга безарар бўлган биологик препарат ва штамм турларини ишлаб чиқиш ҳамда ўрмон амалиётига жорий этиш юзасидан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти Микробиология институти билан 2021 йил 24 февралда ҳамкорлик меморандуми тузилди. |
| **48** | **48** | Истиқболли доривор ўсимликларнинг биокимёвий таркибини ўрганиш, етиштириш агротехнологияларини | **2021-2023 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, | **Бажарилмоқда.**<br>Истиқболли доривор ўсимликларнинг биокимёвий таркибини ўрганиш, етиштириш |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ишлаб чиқиш. | | Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганика кимёси институти, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (Б.Хофизов Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти) | агротехнологияларини ишлаб чиқиш ҳамда Оролбўйи ҳудудида экологик муаммоларни барқарорлаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйиш бўйича 2021 йил 25 январда Биоорганика кимёси институти билан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ўртасида ҳамкорлик англашув меморандуми тузилди. |
| **49** | **49** | Орол денгизининг қуриган тубида кучли шўрланган ва шўрхок тупроқларнинг агрокимёвий хусусиятларини яхшилаш учун полимер композициялар яратиш. | **2021-2023 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Ўзбекистон Фанлар академияси Биоорганика кимёси институти, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти (Б.Хофизов Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти) | **Бажарилмоқда.**<br>Орол денгизи қуриган тубининг тупроқ ҳосил қилувчи қатламини ўрганиш ва харитасини тайёрлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманида илмий лойиҳалар ишга туширилган.<br>Жумладан, Орол денгизининг суви қуриган тубида ўрмон барпо этиш ишлари самарадорлигини ошириш мақсадида турли чуқурликда жойлашган ер ости сизот сувлари сатҳини пасайтириш ва турли мелиоратив тадбирларни қўллаш орқали чўл-яйлов ўсимликлари ўсиб ривожланиши учун шароит яратиш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилиб, Инновацион ривожланиш вазирлигига киритилди. Ушбу лойиҳа бўйича Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан танлов эълон қилинди.<br>Кучли шўрланган ва шўрхок тупроқларнинг агрокимёвий хусусиятларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш, полимер композициялар ишлаб чиқиш юзасидан амалий чора-тадбирлар |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ишлаб чиқилди. |
| **50** | **50** | Аҳоли яшаш пунктлари атрофидаги турли заҳарли газ чиқиндиларига чидамли бўлган манзарали дарахт-бута турларини танлаш, кўчатларини жадал етиштириш, катта ёшдаги дарахтларнинг QR-cod маълумотлар базасини яратиш. | **2020-2025 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Ў.Давронов) | **Бажарилмоқда.**<br>Аҳоли яшаш пунктлари атрофидаги турли заҳарли газ чиқиндиларига чидамли бўлган манзарали дарахт-бута турларини танлаш, кўчатларини жадал етиштириш, катта ёшдаги дарахтларнинг QR-cod маълумотлар базасини яратишмақсадида Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш илмий-тадқиқот институти билан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ўртасида 2021 йил 24 январда ҳамкорлик меморандуми тузилди. |
| **51** | **51** | Ўрмон фонди ерларининг ҳолатини ўрганиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, GIS дастурлари асосида ўрмон майдонлари хариталарини ишлаб чиқиш. | **2021-2023 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Р.Абдураимов) | **Бажарилмоқда.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги “Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4960-сон қарори қабул қилинди.<br>Ушбу қарор билан “Ўрмонлойиҳа” ДУК негизида “Ўрмонлойиҳа” лойиҳалаш институти ташкил этилди.<br>“Ўрмонлойиҳа” лойиҳалаш институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб инновацион технологиялар асосида (дронлар, GPS навигаторлар ва бошқалар ёрдамида) ўрмон фонди ерлари чегараларини, ер тоифаларини аниқлаш, уларнинг хариталари, электрон маълумотлар базасини шакллантириш белгиланди.<br>Шунингдек, ўрмон фонди ерларининг ҳолатини ўрганиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, GIS дастурлари асосида ўрмон майдонлари хариталарини ишлаб чиқиш мақсадида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти билан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ўртасида 2021 йил 24 январда ҳамкорлик меморандуми тузилди. |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| **52** | **52** | Тупроқ маълумотлари асосида янгидан ташкил этилаётган ўрмонзорлар ўсимликларининг мақбул ўсиш ва ривожланишини таъминловчи агротехнологияларни яратиш. | **2021-2023 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти. (Б.Хофизов Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти) | **Бажарилмоқда.** Тупроқ маълумотлари асосида янгидан ташкил этилаётган ўрмонзорлар ўсимликларининг мақбул ўсиш ва ривожланишини таъминловчи агротехнологияларни яратиш мақсадида Тупрокшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти билан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ўртасида 2021 йил 25 январда ҳамкорлик меморандуми тузилди. |
| **53** | **53** | Орол денгизининг қуриган тубидаги ботқоқлашган ерларда иҳота ўрмонларини барпо этиш учун зах қочиришнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқиш. | **2021-2023 йиллар** | Инновацион ривожланиш вазирлиги, Тупроқшунослик ва агрокимё илмий тадқиқот институти, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти. (Б.Хофизов Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти) | **Бажарилмоқда.** Сувсизликка бардошли дурагай навларни яратиш, серҳосил навларнинг кўчатларини кўпайтириш ҳамда генетик ресурсларини ташкил этиш мақсадида 107 турдаги долзарб муаммолар шакллантирилиб, Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этилди *(Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 30 октябрдаги 05/21-2946-сон хати).* |
| **54** | **54** | Ёнғоқ мевали ўрмон ўсимликларининг генетик ресурсларини | **2020-2025** | Ёнғоқ етиштирувчилар | **Бажарилмоқда.** БВ-А-КХ-2018-34-сон амалий лойиҳа доирасида |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | ўрганиш, қурғоқчилик ва сувсизликка бардошли дурагай навларини яратиш, янги яратилган навларни «in-vitro» усулида жадал кўпайтириш ҳамда генетик ресурсларини ташкил этиш бўйича селекцион-генетик тадқиқотларни йўлга қуйиш. | | ва экспорт қилувчилар уюшмаси, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, (Б.Хофизов) Инновацион ривожланиш вазирлиги | Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг “Дархон” илмий-тажриба хўжалигида Жиззах, Самарқанд, Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари шароитида тарқалган грек ёнғоғи ўрмонларидан истиқболли эко шаклларини танлаш ва пайванд кўчатларини етиштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилди.<br>Танлаб олинган ёнғоқ шакллари ичидан серҳосил, турли касаллик ва зараркунандаларга чидамли, шунингдек эрта баҳорги совуқларга бардошли бўлган истиқболли 10 та шакли танлаб олинди.<br>Кўчатхона шароитида грек ёнғоғини пайванд қилишнинг мақбул муддати ва усули ишлаб чиқилди. Натижада, тўртбўрчак куртак пайванд усулида 97 туп пайванд кўчатлари етиштирилди.<br>Шунингдек, институт олимлари томонидан пистанинг қурғоқчилик, 2 турли касаллик ва зараркунандаларига бардошли бўлган янги 13 та нави яратилди.<br>Ҳозирги кунда институт докторанти М.Хасанованинг диссертация мавзуси доирасида Самарқанд вилоятида ташкил этилган Ёнғоқ етиштирувчилар уюшмасининг “ин-витро” лаборатория шароитида писта навларини микроклонал кўпайтириш технологияларини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.<br>Ёнғоқмевали ўсимликларининг генетик ресурсларини ўрганиш, қурғоқчилик ва сувсизликка чидамли дурагай навларини яратиш, янги навларни “in-vitro” усулида жадал кўпайтириш, генетик ресурсларини ташкил этиш, селекцион-генетик тадқиқотларни йўлга қўйиш мақсадида Ёнғоқ етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси билан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | ўртасида 2021 йил 25 январда ҳамкорлик меморандуми тузилди. |
| **55** | **55** | Соҳага чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш орқали ўрмонларда экологияга зарарсиз, чиқиндилардан ҳоли ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш. | **Ҳар йили май** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (М.Рахматуллаев ) Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги | **Бажарилмоқда.** Соҳага чет эл инвестицияларини кенг жалб этиш орқали ўрмонларда экологияга зарарсиз, чиқиндилардан ҳоли ишлаб чиқаришларни йўлга қўйиш.Қўшимча даромадларни ошириш учун маҳаллий ва чет эл инвесторлари ҳамда имтиёзли кредитларни жалб этиш орқали янги даромадли йўналишлар сонини ошириш, экспортбоп, импорт ўрнини босувчи маҳсулот, товар ва хизматлар турларини ташкил этиш бўйича дастур ишлаб чиқилиб, 2021 йил 27 майда 17-сон билан тасдиқланди. |
| **56** | **56** | Ўрмон плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун карбон-кредитларини жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқиш. | **2020 йил декабрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (А.Захадуллаев) Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги | **Бажарилди.** Ўрмон плантацияларини ташкил этишни молиялаштириш учун карбон-кредитларини жалб қилиш механизмларини ишлаб чиқишни Жаҳон банки билан биргаликда амалга оширишга келишувга эришилди. Шунингдек, Жаҳон банкининг ўрмончилик бўйича эксперти доктор Юрген Блазернинг карбон кредитларини Ўзбекистонга жалб қилиш бўйича хулосаси олинди. Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этилди (2020 йил 27 ноябрдаги 02/13-3347-сон хат). |
| **57** | **57** | Ўрмон хўжаликларининг доривórчилик, овчилик, экотуризм йўналишларидаги қўшимча даромадларини ошириш. | **2020 йил 31 декабрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (Я.Хидиров М.Латипов) | **Бажарилди.** Ўрмон хўжаликларининг доривorчилик, овчилик, экотуризм йўналишларидаги қўшимча даромадларини ошириш бўйича мўлжалланган дастури тасдиқланди (2020 йил 21 декабрдаги 17-сон). Ўрмон хўжалиги кесимида тасдиқланган дастурларда белгиланган кўрсаткичлар бажарилишини ой якуни билан мониторинг қилиш ҳамда ҳар чорак якунида Ўрмон хўжалиги давлат |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | қўмитаси Ҳайъат йиғилишида муҳокама қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.<br>Амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритилди (2020 йил 28 декабрдаги 04-21-3737-сон хат). |
| **58** | **58** | Ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш. | **Ҳар йили декабрь** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари (Х.Султонов) | **Бажарилди.**<br>Фойдаланиш мумкин бўлган ўрмон фонди ерларини “Ўрмонлойиҳа” лойиҳалаш институти томонидан хатловдан ўтказилмоқда. Унинг натижасига кўра ўрмон фонди ер участкаларини жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш чора-тадбирлари амалга оширилади.<br>2020 йилда ўрмон фондининг 3 минг гектардан ортиқ майдони ўзлаштирилди.<br>Бугунги кунга қадар, ўрмон фондидаги фойдаланилмаётган 42,5 минг гектар ер майдонларини жисмоний ва юридик шахсларга ижарага бериш бўйича 4 минг та шартнома тузилиб, тадбиркорлар рўйхати шакллантирилди.<br>Жумладан:<br>қишлоқ хўжалиги экинларини экиш бўйича 2,6 минг гектар ер майдонида 962 та шартнома;<br>ўрмон барпо қилиш бўйича 340,3 гектар ер майдонида 39 та шартнома;<br>боғ барпо қилиш бўйича 2,4 минг гектар ер майдонида1794 та шартнома;<br>кўчатчилик ва тутзорлар яратиш бўйича 130,5 гектар ер майдонида 22 та шартнома;<br>ёнғоқ мевали боғ барпо қилиш бўйича 30 минг гектар ер майдонида 447 та шартнома;<br>иссиқхоналар ва лимонария қуриш бўйича 97 гектар ер майдонида 51 та шартнома;<br>балиқчилик бўйича 570,8 гектар ер майдонида 101 та шартнома; |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | доривор ўсимликларни етиштириш бўйича 3,7 минг гектар ер майдонида 225 та шартнома;<br>экотуризмни ривожлантириш бўйича 1091 гектар ер майдонида 249 та шартнома;<br>асаларичилик бўйича 42 гектар ер майдонида 5 та шартнома;<br>чорвачилик ва парандачилик бўйича 671,1 гектар ер майдонида 25 та шартнома;<br>аҳолига хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш учун фойдаланилаётган ер турлари бўйича 120,3 гектар ер майдонида 90 та шартнома;<br>ўрмонда овчиликни ривожлантириш фаолияти бўйича 515,4 гектар ер майдонида 4 та шартнома.<br>Ушбу лойиҳаларни амалга оширилиши натижасида 9 минг нафар иш ўринлари яратилади. |
| **59** | **59** | Ўрмон хўжаликлари моддий-техника базасини такомиллаштириш, жумладан механизациялашганлик даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш. | **Ҳар йили Март-май** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, (О.Хўжаев) Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги | **Бажарилмоқда.**<br>Ўрмон хўжаликларининг моддий-техника базаси тўлиқ хатловдан ўтказилиб, талаб этиладиган техника ва агрегатлар рўйхати шакллантирилди.<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат органлари ва корхоналарини енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5052-сон қарорига мувофиқ Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида моддий-техник базани мустаҳкамлаш, техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида Давлат бюджетидан 160 млрд. сўм маблағ ажратилди.<br>Ўрмон хўжалигининг машина-трактор паркини республика ва хорижда ишлаб чиқарилган замонавий ўрмончилик техникалари билан бутлаш бўйича дастур ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | апрелдаги “Давлат органлари ва корхоналарини енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5052-сон қарори қабул қилинди. Қарорга асосан 2022 йилда ўрмон хўжаликларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида махаллийлаштирилган махсус техникалар (ўт ўчириш, сув, юк ташувчи автомашиналари, трактор ва қишлоқ хўжалиги механизмлари) сотиб олиш учун 160 млрд. сўм маблағ ажратилган. мазкур қарор лойиҳаси ишлаб чиқилганда Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси сифатида киритилган эди.<br>Бундан ташқари 2022-йилга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилиб 2021 йил 26 май куни тасдиқланди |
| **60** | **60** | Ўрмон хўжаликлари ходимлари учун уларнинг асосий фаолиятига доир шарт-шароитларни яратиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш. | **Ҳар йили** | Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (А.Исламов О.Хўжаев) Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги | **Бажарилмоқда.**<br>Ходимларни зарур махсус кийим, табель қурол-яроғи, алоқа ва ўрнатилган меъёрлар доирасида транспорт воситалари билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.<br>Ҳар йили бюджет маблағлари ҳисобидан камида 50 тадан ўрмончилар уйлари ва кузатув миноралари қуриш масалаларини 2030 йилгача бўлган даврда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Инвестиция дастурларига киритиб бориш юзасидан Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига таклиф киритилди.<br>Бугунги кунда Қўмита тизимидаги ходимлар 2021 йил май ойи ҳолатига 1566 та кийим бош жамланмаси билан таъминланди.<br>Шунингдек, Қўмита марказий аппарат ходимларини махсус кийим бош билан таъминлаш мақсадида Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | маблағлари ҳисобидан 82 жамланма (комплект) сотиб олиш учун Жамғарма сметасида 107,0 млн.сўм кўзда тутилди.<br>Ўрмон хўжалиги моддий техника баъзасини мустаҳкамлаш мақсадида<br>2021 йил май ойи ҳолатига 6 та автотранспорт ва махсус техникалар харид қилинган.<br>Шунингдек, 2021 йил йил якунигача яна 10 та махсус теника ва автотранспорт воситалари харид қилиш кўзда тутилган.<br>Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат органлари ва корхоналарини енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5052-сон қарорига асосан 2022 йилда ўрмон хўжаликларини моддий техника базасини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида махаллийлаштирилган махсус техникалар (ўт ўчириш, сув, юк ташувчи автомашиналари, трактор ва қишлоқ хўжалиги механизмлари) сотиб олиш учун 160 млрд. сўм маблағ ажратилган. |
| **61** | **61** | Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва унинг филиали, илмий марказлар ҳамда тажриба хўжаликларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш. | **2020-2021 йиллар** | Молия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси (О.Хўжаев) | **Бажарилмоқда.**<br>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 апрелдаги “Давлат органлари ва корхоналарини енгил тижорат автотранспорт воситалари, махсус ва қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5052-сон қарорига мувофиқ Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимида моддий-техник базани мустаҳкамлаш, техника ва транспорт воситалари билан таъминлаш мақсадида Давлат бюджетидан 160 млрд. сўм маблағ ажратилди. |

| т/р | банди | Амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ва тадбирлар | Бажариш муддати | Ижро учун масъул | Ижро этилиши ва амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот. |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | Ушбу маблағ доирасида хўжалик зарур бўлган техника ва агрегатлар билан таъминланади.<br>Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 декабрдаги “2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4936-сон қарорига асосан Ўрмон хўжалиги илмий тадқиқот институтининг лаборатория биносини реконструкция қилиш 2021 йилда шакллантирилган инвестиция дастурига киритилди ҳамда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти биноси бюджет маблағлари ҳисобидан 2300 млн. сўм сарфланиб капитал таъмирланди. |